

Тасаввур қил бир кун...

15:33 / 28.04.2017 2796

Суюкли дўстим!

Тасаввур қил, бироздан сўнг ҳузурингга Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кириб келадилар...

Сен ҳеч ҳаёлингга келтирмаган ташриф...

Нима қилган бўлардинг?

Ахир у зот бу ер устида юрганларнинг энг яхшиси... Бу оламда ўтган жамики ҳукмдорлару донишмандларнинг энг афзали... Раҳмоннинг суюкли Халили соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар...

Ана ўша зот сенинг эшигинг остонасида турибдилар... Сени зиёрат қилмоқчилар...

Сен аввал ўйлаб кўр...

Ҳозир нима қиласан?

Бугун ҳаётимдаги энг бахтиёр куним, ахир кимсан пайғамбаримиз бизникига келдилар деганингча, унутилмас бўлган ушбу дамларда кўзларингдан ҳаяжон ва хурсандчилик ёшлари билан у зотга пешвоз чиқарсан?

Ёки бироз тараддудланиб қолиб, жавонингда қалашиб ётган турли туман чет эл қўшиқчиларининг хонишлари ёзилган кассеталар ўрнига Қуръони Карим тиловати, фойдали мавъизалар ёзилган кассеталарини териб қўйиш учун югуриб қоласанми?

Беҳаё, зулму- зўравонликни тарғиб қилувчи, мазмунсиз видео кассеталарингни ҳам яширарсан?

Хонанг деворларини тўлдириб ётган беҳаё суратларни-чи?

Уларни ҳам кўчириб, улоқтириб ташлайсанми?

Ахир Росулulloх саллоллоҳу алайҳи ва саллам бу манзарани кўрсалар кўпам хурсанд бўлмасалар керак!!!

Ювиниш хонасидаги тиш чўткаларинг ёнига пайғамбаримиз суннатларига эргашаётганингни билдириш ва у зотга эҳтиромингни зоҳир қилиш учун мисвокни ҳам қўйиб қўясанми?

Сенчи, муслима синглим!!!

Қандай кутиб оласан Росулulloҳни ?!

Балки неча йиллардан бери ўзингга ор билиб, қарор қилолмай юрганинг шаръий либосингни ўшанда ўраб чиқарсан?

Ё шундай аҳволингда, сочларинг бир алфозда турмакланган, эгнингда тор кийимлар, юзингга турли бўёқлар чапланганича қарши оласанми у зотни? Сени бундай ҳолатда топсалар уй соҳибаси муслима қиз эканлигини билармиканлар?

Ёки исломий одоб - ахлоқни энг оддий кўринишларидан ҳам бенасиб бўлган овруполик бир актрисани эшигини қоқибман шекилли, деган гумонга борармикинлар?

Ота -онангга ҳам эҳтиром ва улар ёқтирган сўзлар ила муомалада бўласанми?

Уларни ҳар бир айтган юмушларига сўзсиз итоат этасанми?

Ёки уларга Росулulloҳни зиёратларидан олдин бўлганинг каби уларга бақриб, қўрслик қилиб, уларнинг буйруқларига итоатсизлик қилишда давом этасанми?

Ва бу ишларинг билан Аллоҳ ва Росулини кўрсатмаларига осийлик қиласанми?

Агар Сарвари коинот сендан: Мен сендан бамдод намози, жамоат намозлари, тунги намозларида қоим бўлиш ҳақида сўрамайман, чунки, шубҳасиз, булар сенинг ҳаётингда муҳим ўрин тутган ишлардир, шундай эмасми? деб сўраб қолсалар нима деб жавоб қилар экансан?

Ўша вақтда нимани ҳис қиласан?... Уятми? Хижолатми? Афсусланишми?...

Ёки буларнинг барига мунофиққа ўхшаб бепарволарча тиржайиб тураверасанми?

Сени неча ойлардан бери бамдод намозини адо этмаётганингни билиб қолсаларми...

Умринг бино бўлиб атиги бир марта Қуръонни қўлингга олиб ўқиганинг ҳақида дўстларингга мақтаниб юрганинг ҳақида хабар топсалар нима дер эканлар...

Сенга қараб: -Қойил, сен Ислом ва мусулмонларнинг фахрисан, дермикинлар ёки ғазабдан юзлари қизарганича уйингни ташлаб чиқиб кетармикинлар...

Нима деб уйлайсан?

Саййидимиз билан нима ҳақида суҳбат қурасан?

Мусулмонларни бугунги кунда олам узра чекаётган аламлари, зулму-жафолари ҳақидами?...

Ёки дин илмлари... Мусулмонлар тарихи... Умматни келажаги, диний ва дунёвий, илмий ва амалий ривожланиши, тараққиёти ҳақидами?

Ё сен ҳозиргина телефонда гаплашган, доим бирга концертлару клубларга борадиган дўстинг ҳақида сўзлаб берасанми?

Ёки Россиядаги қўшиқчилар гуруҳи ҳақидаги охириги миш-мишларни...

Ҳиндистонлик кино юлдузи... Италиялик ўйинчининг сочи ҳақидаги қиссани айтиб берарсан...

Балки футбол бўйича охириги натижаларни...

Ресторанлардаги турли таомлар, ичимликлар тури ҳақида ҳикоя қиларсан...

Азиз дўстим!

Сен буларни кўз олдинга келтириб кўрдингми?

Ёки ушбу калималарга фақатгина эътиборсизлик билан кўз югуртириб қўйдингми?

Ўтган умрга озгина бўлсада надомат чекдингми?

Сен Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир зумлик зиёратларига ҳали тайёр эмаслигини ҳис этдингми?

Бундан ҳам кўра Аллоҳ таолони ҳар лаҳза, туну-кун сени кузатиб турганини, лекин шу билан бирга кундузги гуноҳларни кечаси, кечаси қилинган гуноҳларни кундузи кечириш учун тавба эшикларини очиб қўйганини ёдингдан чиқардингми?.

Ул зот туннинг иккинчи ярмида сўраганга ато этувчи, мағфират сўраганнинг тавбасини қабул этгувчидир.

Сенга нима бўлдики, қалбинг қотиб қолибди... Кўнглинг қорайиб кетибди...

Сендан қочаётган дунёнинг ортидан қувиб юрибсан...

Аллоҳ таоло сенга ҳар куни очаётган минглаб тавба ва муножот эшикларидан эса юз ўгириб қочмоқдасан...

Азиз дўстим!

Ҳеч шубҳасиз, сен Қиёмат куни ушбу рисола эслайсан. У кунда сен икки кишининг бири бўласан:

Ё рисолани ўқигач, ҳаётини яхшилик тарафига ўзгаришига сабаб қилгани учун Аллоҳга ҳамд айтган саодатли кишига айланасан...

Ёки ўқиган бўлсада унга амал қилмаган, оқибатда ушбу рисола Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида унинг зарарига ҳужжат бўлиб қолгани сабаб қаттиқ надоматга учраган бахтсиз кишига айланасан...

Азиз дўстим! Муҳтарама синглим!

Вақтлар ўтиб қолмасдан аввал тавбага шошилгин, Аллоҳ сендан рози бўлсин.